

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7347681>



ELSEVIER

Фатаева Фародиба Рустамовна

*Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва ёғ мой технологияси
кафедраси, ассистенти*

Бухоро муҳандислик-технология институти.



Received: 19-11-2022

Accepted: 21-11-2022

Published: 22-11-2022

Abstract : Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш, жумладан ердан илм-фан тавсиялари асосида самарали фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш, ёғ-мой хўжалигини ривожланишининг асосий омилларидан биридир.

Keywords: Ёғ- мой маҳсулотлари, мойли экинлари экинладиган майдолар, кунгабокар, махсар, кунжут, соя, ерғоқ

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 19-11-2022

Accepted: 21-11-2022

Published: 22-11-2022

Abstract : Производство масла жировых продуктов в Республике Узбекистан, в том числе эффективное использование земель на основе научных рекомендаций, надлежащая охрана земель, является одним из основных факторов развития масло жировой отрасли..

Keywords: Пищевые продукты, участки возделывания масличных культур, подсолнечник, махсар, кунжут, соя, ёронгок.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Received: 19-11-2022

Accepted: 21-11-2022

Published: 22-11-2022

Abstract : The production of petroleum products in the Republic of Uzbekistan, including the efficient use of land based on scientific recommendations, proper land protection, is one of the main factors in the development of the oil industry..

Keywords: Food products, oilseeds, sunflower, mahsar, sesame, soybean, yorongok.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси озиқ-овқат саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун мамлакатимиз агросаноат комплексида интеграция жараёнларини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётган ушбу тармоқ маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш, хом-ашёдан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжи ва бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Агросаноат саноатининг асосий ижтимоий-иқтисодий мақсадларидан бири ҳам – мамлакатнинг озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва унга бўлган истеъмолни илмий асосланган меъёрларга яқинлаштириш бўлиб ҳисобланади. Бу каби мақсадларга эришишда агросаноат мажмуи тармоғида фаолият юритаётган соҳа мутахассислари ва илмий ходимлар олдига бир катор вазифалар билан тикланади.

Шу жихатдан, республикамиз пахта саноати хўжалигида, айниқса аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўринни эгаллайдиган —Ўзпахтаёғ! акциядорлик жамиятида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада ривожлантириш талаб этилади.

Ҳар йили мазкур тармоқнинг келажагини ва истиқболини белгилаб берувчи ва узоқ йилларга мўлжаллаб қабул қилинаётган Давлат дастурлари куриб ишлаб чиқилмоқда. Давлат дастурларида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган мақсад ва вазифалар мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг ортиб бориши ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни талаб этади. Экин экиладиган майдонлар ва сув чекланган ресурслар бўлганлиги сабабли озиқ-овқат, жумладан ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда интенсив усулдан фойдаланиш муҳим роль уйнайди. Аҳолини ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлашда мойли экинлар экиш ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда республика аҳолисининг эҳтиёжларини ўзимизда етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, бўшаган майдонлар мева-сабзавот, полиз, мойли экинлар экиш учун ер майдонлари ажратилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, аҳолини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда мойли экинлар етиштириш муҳим аҳамиятга эгадир. «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун илмий-тиббий жихатдан асосланган озиқ-овқат меъёрлари бўйича тавсиялар»да аҳолининг ўсимлик мойига бўлган тиббий меъёр талаби бир йилга ўртача 6,9 кг эканлиги белгилаб қуйилган.

Республикамиз ҳукумати томонидан мойли экинлар майдонларини кўпайтириш ҳамда такрорий экин сифатида экиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чоралари куриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «**2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»** ги ПФ-5308-сон Фармони қабул қилинди.

Фармоннинг иловаси 117-бандида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш орқали мамлакат озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш»ни амалга ошириш тадбири белгилаб қуйилган бўлиб, 2019

йилда пахта майдонларини 36 минг гектарга, ғалла майдонларини 15 минг гектарга қисқартириш ва бўшаган майдонларга сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинларни, шунингдек ташқи бозорларда талаб юқори бўлган бошқа экин турларини жойлаштириш, интенсив боғ ва тоқзорлар ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичлари кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган».

Юқорида номи қайд этилган дастурда белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида интенсив йўл билан, яъни ҳосилдорликни ошириш ҳисобига маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ҳамда шу асосда ёғ-мой маҳсулотлари нархларини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Умуман, Республика Президенти ва ҳукумати томонидан мева-сабзавот, полиз, озуқа экинлари билан бир қаторда мойли экинлар майдонини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кунгабоқар, махсар, кунжут, ерёнғоқ, соя каби мойли экинлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб экиб келинмоқда.

Республика бўйича асосий турдаги мойли экинлар бўйича экин майдони, ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулот ўзгариши таҳлили.

| Йиллар | курсатг ичлар | Мойли экинлар | | | | | |
|-----------------|----------------------|----------------|------------|------------|-------------|---------|-----------|
| | | кунга боқар | ма хсар | ку нжут | ер енгоқ | с оя | бо шка |
| 2000 | Майдони,га | 2840 | 740 | 1340 | 12760 | 90 | - |
| | Ҳосилдорлик, ц/га | 15,7 | 7,6 | 9,5 | 12,7 | 0,7 | - |
| | Ялпи маҳсулот, т | 4463 | 564 | 1274 | 16240 | 66 | - |
| 2010 | Майдони,га | 17187 | 30122 | 3016 | 2339 | 41 | - |
| | Ҳосилдорлик, ц/га | 15,8 | 6,8 | 12,9 | 32,3 | 1,6 | - |
| | Ялпи маҳсулот, т | 27238 | 20648 | 3889 | 7553 | 67 | - |
| 2020 | Майдони,га | 12055 | 38966 | 7373 | 2757 | 139 | 2383 |
| | Ҳосилдорлик, ц/га | 18,9 | 8,0 | 10,8 | 33,9 | 1,7 | 13,4 |
| | Ялпи маҳсулот, т | 22839 | 31184 | 7935 | 9342 | 232 | 3188 |
| Узгариши +,- | Майдони,га | +9215 | +38226 | +6033 | -10003 | +49 | +2383 |
| | Ҳосилдорлик, ц/га | +3,2 | +0,4 | +1,3 | +21,2 | +1,0 | +13,4 |
| | Ялпи маҳсулот, т | +18376 | +30620 | +6661 | -6898 | +166 | +3188 |

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Республикада 2020 йилда кунгабоқарнинг ўртача ҳосилдорлиги 18,9 ц/га ни ташкил этган бўлса,

махсарда 8,0 ц/га, кунжутда 10,8 ц/га, ерёнғокда 33,9 ц/га ва сояда 1,7 ц/га ни ташкил этган. Бошқача қилиб айтганда, 2000 йилга нисбатан 2020 йилда кунгабоқарнинг ўртача ҳосилдорлиги 3,2 ц/га ёки 20,4 % га кўп бўлган, мос равишда махсарда 0,4 ц/га ёки 5,3 % га, кунжутда 1,3 ц/га ёки 13,7 % га, ерёнғокда 21,2 ц/га ёки 166,9 % га, сояда 1,0 ц/га ёки 142,9 % га ошган.

Мойли экинлар етиштиришнинг самарадорлигини ошириш йўлларида бири ҳосилдорликни ошириш ҳисобланади. Шундай экан, аграр соҳага, хусусан мойли экинлар етиштиришга инновацияларни, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш, сифатини ва ҳосилдорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътиборни кучайтириш лозим:

- республикаимизда мойли экинларни илмий асосланган ҳолда ва ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган жойлаштириш;

- мойли экинларни ишлаб чиқаришдан бошлаб пировард истеъмолчиларга етиб боргунча бўлган босқичларда йўқотишларнинг олдини олиш;

- мойли экинлар етиштиришда ҳосилдорликни ошириш мақсадида селекция ишларини ривожлантириш ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

- фермер хўжаликлари ва бошқа мойли экинлар етиштирувчи хўжалиқларда ҳосилдорликни янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- замонавий технологиялар ва миллий анъаналар асосида мойли экинларни қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулотларни кўпайтириш ва аҳолини йил мобайнида ушбу маҳсулотлар билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- мойли экинларни етиштирувчи, қайта ишловчи, ташувчи, сотувчи, маркетинг хизматларини кўрсатувчилар ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш, улар ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг статистик тўплами. Тошкент, 2000 й, 2010 й, 2020 й.

3. «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун илмий-ғиббий жиҳатдан асосланган озиқ-овқат меъёрлари бўйича тавсиялар». Тошкент.: Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий текшириш илмгоҳи.